

**МАКТАБГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН БОЛАЛАР УЧУН ПСИХОЛОГИК
МАСЛАХАТЛАР****Сулётбаева Элла***амалиётчи психолог*

Мактабга қабул қилинган болаларни янги ижтимоий муҳитга мослаштириш мактаб психологи ва бошланғич синф ўқитувчиси фаолиятида муҳим ўрин тутади.

Мактабга биринчи бор кириб келган боллар билан бошланғич синф ўқитувчиси давра суҳбатини тизимли олиб боргани мақул. Бунинг учун 6-7 ёшли болалар тассавурида мактаб ҳақидаги тайёргарлиги бўлиши керак.

Тарбиянинг самарадорлиги кўпинча оила ва таълим муассасанинг болага бир хил талаб кўя билишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам педагогик ахлоққа, ўқитувчи билан ота-оналарнинг ўзаро муносабатлари, муомаласи масаласига катта эътибор берилади. Ўқитувчи оила билан алоқа ва ҳамкорлик қилмасдан туриб болани ахлоқий тарбиялаш вазифасини бажара олмайди. Чунки таълим муассасаси оилада шаклланган ахлоқий фазилатларни мустаҳкамлаши ёки салбий сифатларни қайта тарбиялаши лозим бўлади. Тажрибалар шуни кўрсатадики мактабдаги ўзлаштирмасликни асосий сабабларидан бири болаларни таълимга тайёр эмаслиги, уларнинг “етилмаганлигидан”дир. Ана шу “етилмаганлик”ни ўз вақтида аниқлаб, бартараф қилиш боланинг мактабда ўқишига мослаштириш ва психиокоррекцион ишлар мазмунини белгилайди.

Энг аввало боланинг психологик саломатлиги учун ғамхўрлик кўрсатган ҳолда, ўйин фаолиятидан аста-секин ўқув фаолиятига ўтишни таъминлаш зарур.

Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда, болаларни янги ҳаёт босқичига мослашувиغا ёрдам берадиган, муайян мақсадга йўналтирилган ривожлантирувчи машғулотларга зарурат туғилади.

Мактаб таълимига психологик жиҳатдан тайёрлик биринчидан, билим олиш учун болада мойиллик ва ўқувчининг ижтимоий йўналиши шаклланган бўлиши, иккинчидан, ўз тенгдошлари билан алоқа қила билиши, ўқитувчининг талабларини бажариш, ўз хулқини назорат қила олиш каби жиҳатларининг шаклланганлигига боғлиқ. Булар болани ўқув фаолиятига “силлик” ўтишини таъминлайди.

Асосий мезонлардан бири боланинг соғлом, чидамли бўлишидир, акс ҳолда дарс ва бутун ўқиш кунда унга бериладиган юктамаларга чидам бериши қийинлашади.

Ниҳоят, яна бир муҳим ва балки энг асосий томонларидан бири, унинг ақлий жиҳатдан яхши ривожланганлиги ҳисобланади.

Айнан шу томон мактабда олинадиган билимлар ва кўникмаларни мувоффақиятли ўзлаштириш, интеллектуал фаолиятини оптимал ушлаб туриш ва синф билан бирга ишлашга улгуришини белгилайди.

Инсонга дунёни билиш ва тадқиқ қилиш инстинкти (майли) туғилишидан мавжуддир. Боладаги ана шу имкониятларни ривожлантириш ва намоён қилишга ёрдам бериш айниқса муҳимдир. Бунинг учун мактабда бошланғич синф ўқитувчиси ва мактаб психологигининг режа асосидаги дастурлари олдиндан тайёрланган ва тасдиқланган бўлади. Мактаб психологининг қуйидаги амалий машғулоти кўриб чиқамиз;

“Болаларни биринчи синф дарсларига мослаштириш” машғулоти

Ушбу машғулот жараёнида синфда боланинг ақлий, жисмоний фаоллиги ошади ва болаларнинг мактабга мослашиш жараёнларини осон кечади.

Машғулотлар жараёнида боланинг билиш психик жараёнлари- диққати, фикрлаши, идроки, тасавури, хотираси ва таълим олишга қизиқишларини ўйинлар ёрдамида ривожлантирилади. Гуруҳий ўйинлардан фойдаланиш, мулоқот кўникмалари, бир – бирини ўзаро тушуниш, шерикчилик, ўзаро масъулиятни сезиш каби хислатларни ривожлантиришга ҳам ёрдам беради. Машғулотлар бир ҳафтада 2 марта ўтказилади ва ҳар бир машғулот 30 дақиқага мўлжалланган.

Олиб борувчига тавсиялар:

1. Болаларга кўпроқ мустақиллик беринг. Болада “ихтиро”ни ўзлари қилсинлар, тайёр билимни беришга шошилманг.
2. Ҳар бир билимнинг муҳимлигини кўрсатишга ҳаракат қилинг, мисоллар келтиринг.
3. Машғулотларга ўта қизиқиш билан қаранг, ижодий кўтаринкилик муҳитини вужудга келтира билинг .
4. Ҳар бир бола ўз муваффақиятлари, ютуқларини кўра билсин.
5. Унинг “ўсиши”ни, сабр -тоқати ва ҳаракатини айтиб боринг.
6. Боланинг имкониятлари ва қобилиятларини ҳолисона баҳоланг.

Биринчи синф ўқитувчи битта нарса жуда эътиборли бўлиши керак, бу бир болани бошқа бир бола билан таққосламанг. Масалан: “Кўрдингми, Фарход топшириқларни қандай тез бажарди”-деб таққослаш боланинг ўзига ишончни йўқотиши мумкин, унинг ўрнига “Сен бугун олдингидан кўра тезроқ бажардинг!” - бундай муомала болада ўз имкониятларига ишониш ҳиссини шакллантириб боради. Машғулот ўтиш жараёнида тақдим этилаётган ўйинлар болаларга қувонч бағишлаши, ўз кучига ишонч уйғотишига қаратилганини ёдда тутмоқ зарур.

Коррекцион-ривожлантириш машғулотнинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида машғулотлар якунида боланинг билиш жараёнини, нутқи, шахслараро муносабатлари, ижтимоий мослашув малакалари ташхис этилади ва сифат ўзгаришлар динамикаси таҳлил этиб борилади.

АДАБИЁТ:

1. Асадов Й, Бурхонова Г. Олти ёшли болаларнинг мактабга психологик мослашуви ва ривожланиш динамикасини ўрганиш бўйича тавсиялар.- “Маърифат”, 2001 йил.